

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВА ЛОЛА АЗИМОВНА**

**ДИОЛЛАР АСОСИДА ВИНИЛ ЭФИРЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юсупова Лола Азимовна**

Диоллар асосида винил эфирлар олиш технологияси ва  
уларнинг хоссалари .....3

**Юсупова Лола Азимовна**

Технология получения виниловых эфиров на основе диолов и  
их свойства .....21

**Yusupova Lola Azimovna**

Technology of obtain of vinyl ethers on the base of diols and  
their properties.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВА ЛОЛА АЗИМОВНА**

**ДИОЛЛАР АСОСИДА ВИНИЛ ЭФИРЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т179 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Нурмонов Сувонкул Эрхонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳмонбердиев Гаппар**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Раҳимова Латофат Собиржоновна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (+99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М. Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

**Г. Раҳмонбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда ацетилен асосидаги моддалар кимёвий ишлаб чиқариш, техника ва медицина соҳасида, ўсимликлар ўсишини бошқариш ва пестицидлар олишда, енгил саноатда, парфюмерия, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. Винил эфирлар асосида янги доривор моддалар, ноёб полимерлар, радиотехника учун юқори сифатли эритувчилар, маълум хоссаларга эга бўлган моддалар ва материалларни яратиш ва йўналтирилган органик синтез учун универсал бошланғич маҳсулот олиш технологияларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кимё саноатида гидроксил гуруҳи тутган моддалар асосида винил бирикмалар синтези жумладан: ацетилен кимёси, хусусан, фаол водород тутган бирикмаларни виниллаш жараёни икки ёки уч компонентли юқори асосли катализатор-эритувчи типидagi системалардан фойдаланиб, қийин синтез қилинадиган винил бирикмаларни олишга қаратилган. Бундай реакцияларни амалга ошириш, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш, шунингдек уларни олишнинг технологик параметрларини ва механизмларини тадқиқ қилиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Республикамизда кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни иқтисодиётнинг тармоқларига жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий хомашёлар асосида қишлоқ хўжалигида пахта баргини тўқувчи янги турдаги дефолиант ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб ацетилен диоллари ва уларнинг винил эфирлари синтез қилинган, уларнинг тузилиши, электрон структураси, реакцион қобилияти, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллигини аниқлаш бўйича соҳада муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясини учинчи йўналишида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи ва сув тежовчи янги турдаги маҳсулотларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПФ-2698 -сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янада кучайтириш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ацетилен бирикмаларининг кимёси, физикаси ва олиниш технологияси бўйича E. Walling, G. Faerber, F. Carluccio, M.E. Chiddix, P. Cardillo, A. Girelli, C.J. Strosacker, C.C. Kennedy, E.L. Pelton, S. Otsuka, Y. Matsui, S. Murahashi, J.L. Speier, M.P. David, B.A. Eynon, M. Heider, J. Henkelmann, D.M. Jones, N.F. Wood, Б.А. Трофимов, И.В. Петрова, Н.А. Чернышева, В.В. Вине, З.А. Ахмеджанова, В.И. Лавров, А.С. Атавин, В.К. Станкевич, С.Д. Hurd., D.G. Botteron, Л.Н. Паршина, В.И. Григоренко, Л.А. Опарина, М.Я. Хилько, О.В. Горелова, Т. Прайс, С. Амосова, М.Ф. Шостаковский, Г.А. Шитов, Р.Д. Якубов, И.Н. Азербайев, Т.С. Сирлибаев, А. Махсумов, А. Икрамов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бу борада ацетилен диоллари ва винил эфирлари турли хил эритувчилар, елимлар, бўёқлар, дори препаратлари, полимерлар, биоцидлар ва ингибиторлар сифатида қўлланилмоқда. Мазкур диссертация ацетилен диоллари ва уларнинг винил эфирларини синтез қилиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, уларни қўлланилиш соҳаларини аниқлаш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Шу билан бирга олиб борилаётган тадқиқот ишларида ацетилен асосида янги органик бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, маҳаллий хом-ашёлардан кенг фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш асосида қимматбаҳо, импорт ўрнини босувчи, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-13-ОТ-012420 «Ацетиленнинг гетероген ўзгаришлари учун маҳаллий хом ашёлар асосида катализаторлар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари» (2012-2014 йй.), ОТ-Ф-7-52 «Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш қонуниятлари ва реакция қобилияти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмалар олиш» (2017-2020 йй.) фундаментал грантлар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ацетилен асосида ацетилен диоллари, ароматик диол ва уларнинг винил эфирларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

формалин, метилэтилкетон, ацетилен асосида бутин-2-диол-1,4 ва 3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 олишда қўлланиладиган катализаторларни технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

атмосфера босими шароитида ацетилен диоллари ва резорцинни виниллаш усулларини ишлаб чиқиш;

диолларни икки компонентли MeOH-DMCO ва уч-компонентли CsF-MeOH-DMCO юқори асосли системаларда ацетилен билан виниллашни ўрганиш;

диолларни винил эфири синтезининг кинетик параметрлари ва олинган ацетилен диоллари ва винил эфирларини электрон тузилиши, квант-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфирларини синтез қилиш жараёнларини математик моделлаштириш ва математик тенгламаларини яратиш;

бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфирларини олиш ва ишлатишнинг технологияларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ацетилен диоллари, ароматик диол, уларнинг винил эфирлари, ишқорлар асосидаги катализаторлар, икки ва уч компонентли юқори асосли системалар, биологик фаол моддалар ҳисобланади

**Тадқиқотнинг предмети** формалин, метилэтилкетон, ацетилен, бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 ва уларнинг винил эфирлари, шунингдек резорциннинг винил эфири, KOH-DMCO ва CsF-MeOH-DMCO юқори асосли системалари, дефолиантлар олишнинг технологик параметрлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида гомоген ва гетероген катализ, замонавий спектроскопик усуллар, квант-кимёвий ва элемент таҳлили, хроматография ва физик-кимёвий усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

формалин, метилэтилкетон ва ацетилен асосида бутин-2-диол-1,4, 3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 олиш катализаторининг технологик жараёни яратилган;

атмосфера босими шароитида ацетилен диоллари ва резорцинни виниллаш усуллари ишлаб чиқилган;

бутин-2-диол-1,4 ва 3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 ни икки компонентли MeOH-DMCO ва уч-компонентли CsF-MeOH-DMCO юқори асосли системаларда ацетилен билан виниллаш исботланган;

бутин-2-диол-1,4 винил эфири синтезининг кинетик параметрлари ва олинган ацетилен диоллари ва винил эфирларини физик-кимёвий хоссалари, электрон тузилиши, квант-кимёвий хусусиятлари аниқланган;

бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфирларини синтез қилиш жараёнлари моделлаштирилган ҳамда математик тенгламалари яратилган;

бутин-2-диол-1,4 ни винил эфирлари асосида қишлоқ хўжалиги учун пахтани баргини тўқувчи дефолиантлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ацетилен диолларидан бутин-2-диол-1,4 ва 3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 ларни олиш технологияси яратилган;

бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметиллоктин-4-3,6 ва резорцинни атмосфера босимида икки компонентли MeOH-DMCO ва уч-компонентли CsF-MeOH-DMCO юқори асосли системаларда ацетилен билан виниллаш исботланган;

ацетилен диоллари ва резорциннинг винил эфирлари унумига катализатор ва эритувчилар табиати, ҳарорат, реакция давомийлиги, бошланғич моддалар табиатининг таъсири, ишлатилган бирикмаларнинг электрон тузилиши, квант-кимёвий хусусиятлари аниқланган, бутин-2-диол-1,4 ни синтез қилиш ва виниллаш жараёнларини математик моделлари яратилган;

бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфири қишлоқ хўжалигида дефолиантлар сифатида ўрганилган ва уни ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** синтез қилинган моддаларнинг таркиби ва тузилиши газ суюқлик хроматографияси, юпқа қатламли хроматография, квант кимёвий РМЗ усулларида ва СТАТ компьютер дастурида, ПМР-, ИҚ- ва масс-спектрометрия усулларида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 ва резорцинни атмосфера босимида юқори асосли системалар иштирокида гомоген каталитик винилланиши тадқиқ қилинганлиги, молекулаларда зарядларнинг тақсимланиши ва электронлар зичлигининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ацетилен ва формалиндан бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфирини олиш технологияси яратилганлиги ва уни пахтанинг фаол дефолианти сифатида тавсия этилганлиги, бутин-2-диол-1,4 ни винил эфирларини олиш технологиялари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диоллар ва уларнинг винил эфирлари асосида биологик фаол бирикмалар синтези, қўлланишини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бутин-2-диол-1,4 моновинил эфири учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган (Ts 23940504-01:2018). Натижада маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида бутин-2-диол-1,4 ни моновинил эфирини ишлаб чиқариш имконини берган;

яратилган бутин-2-диол-1,4 нинг моновинил эфири пахта баргини тушириш учун дефолиант сифатида Бухоро, Самарқанд ва Навои вилоятлари



фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 18 январдаги 03/20-92-сон маълумотномаси) ҚК-АЖ нинг 2018 йил 12 апрелдаги 212-сон маълумотномаси). Натижада пахтанинг баргини тушириш вақтини 30-40% га, пишмаган кўсакларга таъсирини 50% га камайтириш ва ҳосилдорлигини 2-3% га ошириш имконини берган;

бутин-2-диол-1,4 нинг эфирларини олиш технологияси «Elektrokimyo zavod» ҚК-АЖ да амалиётга жорий этилган («Elektrokimyo zavod» ҚК-АЖ нинг 2018 йил 12 апрелдаги 212-сон маълумотномаси). Натижада бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфирларини ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 7 та Республика нашрларида ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Ацетилен спиртлари ва уларнинг винил эфирларини синтези ва хоссалари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, жумладан ацетилен спиртлари ва диоллари синтези, уларни винил эфирларини олиш, ҳамда диолларни винилланишига хос бўлган маҳаллий ва хорижий журналларда чоп этилган адабиётлар таҳлили келтирилган. Ушбу маълумотларни муҳокама қилишда диссертациянинг асосий мақсади ва вазифалари аниқланган. Бунда винил эфирларнинг синтези асосан, ацетиленнинг ўзига хос юқори босимларида ёки инерт газ эритмасида амалга оширилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг объекти, уларнинг физик кимёвий хоссалари ва ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объектлари, гетероген катализаторлар тайёрлаш, бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметил октин-4-диол-3,6; бутин-2-диол-1,4 нинг винил

эфирлари, резорциннинг моно - ва дивинил эфирларини турли «супер» асосли системаларда синтези усуллари келтирилган. Бундан ташқари, бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфирлари ва метакрил гуруҳлари тутган алкилвинил эфирлари синтези усуллари, ҳамда синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш баён этилган.


Диссертациянинг «Ацетилен диоллари ва винил эфирлари синтези» деб номланган учинчи бобида бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6; уларни винил эфирларини каталитик синтези натижалари ва муҳокамаси келтирилган. Бундан ташқари бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ҳамда резорциннинг ацетилен билан виниллаш реакцияси шароитлари ўрганилган. Параформальдегид ва ацетилен асосида бутин-2-диол-1,4 ни, метилэтилкетон ва ацетилен асосида 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ни каталитик синтезлари амалга оширилган, ҳамда олинган натижаларни қиёсий таҳлили сифатида резорцинни ацетилен билан виниллаш реакциялари ҳам амалга оширилган. Бунда адабиётларда маълум бўлган тўйинган кўп атомли спиртларни виниллаш жараёнлари асос сифатида қабул қилинган.

Бошланғич маҳсулот сифатида қўлланилган ацетилен диоли бутин-2-диол-1,4 ўз навбатида қуйидаги схема бўйича синтез қилинди:



Юқорида таъкидланганидек, бутин-2-диол-1,4 синтези учун юқори селективликка эга катализаторлар ишлатилади. Ацетиленнинг формальдегид билан реакцияси I-II гуруҳнинг, асосан d-металлари тузлари ёки оксидлари катализаторлигида ацетиленидлар ҳосил бўлиши орқали C-H боғининг узилиши ҳисобига амалга ошади. Шунинг учун бу жараён учун таркибида Cu тутган, SiO<sub>2</sub> ташувчили ва ташувчисиз катализаторлар танлаб олинди. Ушбу катализаторлар юттириш усули ёки промоторлар киритиш орқали тайёрланди. Қўлланилган катализаторлар таркиби қуйидагича: CuO/SiO<sub>2</sub> 50:50; CuO Cu 42,5%, Ni 7,5%, SiO<sub>2</sub> 50%.



Катализаторлар фаоллиги тажрибалар натижасида аниқланди ва фойдаланилган катализаторлар орасида Cu, CuO, Ni, SiO<sub>2</sub> тутган катализатор юқори фаолликни намоён қилди. Формалдегид билан ацетилен реакцияси сувли муҳитда 12 соат давомида, юқорида келтирилган катализаторлар иштирокида амалга оширилди (1-расм).



1-расм. Бутин-2-диол-1,4 унумининг катализаторлар иштирокида реакция давомийлигига боғлиқлиги: 1. Cu, Ni, SiO<sub>2</sub>. 2. CuO/SiO<sub>2</sub>; 3. CuO


Маълумки, ацетилен спиртлари, асосан, Фаворский усули орқали карбонил ва ацетилен бирикмаларининг реакцияси натижасида синтез қилинади. Жараёнда диоллар билан бирга ацетилен спиртлари ҳам ҳосил бўлади. Ушбу усулга асосан метилэтилкетон ва ацетиленни КОН катализатори иштирокидаги таъсирлашиши натижасида 25-62% унум билан 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 синтез қилинди.


Танланган диолларни виниллаш реакциялари ўрганилди. Винил эфирлар синтез қилишда КОН-ДМСО системаси қўлланилиши рақобатли реакцияларни камайтириб, фақат моно- ва дивинил эфирлар ҳосил бўлишини таъминлайди:



Виниллаш жараёни реакция аралашмадан ацетиленни барботажлаш орқали атмосфера босими шароитида амалга оширилди. Дивинил эфирлар синтези шароитлари бошланғич реагентларнинг концентрацияси ва реакция ҳароратини ўзгартириш орқали оптималлаштирилди. Ушбу реакциялар бензол эритмасида (КОН катализатори миқдори диол миқдорига нисбатан 20%) ва ДМСО эритмасида (диол миқдорига нисбатан КОН катализатори миқдори 50%) турли ҳарорат ва реакция давомийлигида амалга оширилди.

Бутин-2-диол-1,4 ни ацетилен билан супер асосли системада виниллаш реакцияси тадқиқ қилинди. Бунда диолнинг моно- ва дивинил эфирлари ҳосил бўлиши қуйидаги схема асосида амалга ошади:





Виниллаш реакциясида КОН-ДМСО системасининг роли шундаки, жараёнда юқори асосли димсил анионини ҳосил қилади, у эса ўз навбатида эритманинг электр ўтказувчанлиги, водород боғланиш даражаси ва бошқа омилларини ўзгартириб реакцияни амалга ошишини таъминлайди.

Оптимал шароитларда бутин-2-диол-1,4 ни виниллаш реакциясида унинг моно- ва дивинил эфирлари мос равишда 33,2 ва 54,3% унум билан ҳосил бўлиши аниқланди. Бутин-2-диол-1,4 ни моновинил эфири синтезининг кинетикаси ўрганилди, жараён боришига эритувчи табиати, катализатор миқдори таъсирлари аниқланди. Реакция учун эритувчилар сифатида бензол, диоксан, ДМСО ва ДМФА, катализаторлар сифатида эса LiOH, NaOH ва КОН қўлланилди (1-жадвал).

1-жадвал


**Бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфирлари унумига катализатор табиати таъсири**

Катализатор	Бутин-2-диол-1,4 винил эфирлари унуми, %	
	моновинил эфири	дивинил эфири
LiOH	24.2	36.8
NaOH	35.3	38.4
KOH	38.1	43.4

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, катализатор табиати бутин-2-диол-1,4 нинг моно ва дивинил эфирлари унумига таъсир этади. Ишлатилган катализаторлар LiOH<NaOH<KOH тартибида уларнинг унумлари ошиб боради ва моновинил эфири унумлари мос равишда: 24,2; 35,3 ва 38,1% ни, дивинил эфир учун эса 36,8; 38,4 ва 43% ни ташкил этади. Шундай қилиб, винил эфирлар синтези шароитида диметилсульфоксид билан синергетик системада КОН энг фаол катализатор эканлиги аниқланди.


Винил эфирлар унумига катализатор-КОН миқдори таъсири бутин-2-диол-1,4 массасининг 2-10% оралиғида ўрганилди. Катализатор миқдорининг ортиши билан бутин-2-диол-1,4 моновинил эфирининг унуми 34,0 дан 24,0% гача мос равишда камаяди, дивинил эфири унуми эса мос равишда ортади. Бу ҳолат реакцияда дастлаб моновинил эфири ҳосил бўлиши, сўнгра дивинилга ўтиши билан изоҳланади. Дивинил эфири унумини реакция давомида ортиб бориши, моновинил эфир унумининг камайишига олиб келади.

Ушбу жараённинг кинетикаси ўрганилди, олинган натижалар асосида lgW нинг 1/T га (2-расм) боғлиқлик графиги орқали Аррениус тенгламаси асосида бутин-2-диол-1,4 дивинил эфири ҳосил бўлишининг фаолланиш энергияси аниқланди ва унинг қиймати 51,7 кДж/мольга тенг.




2-расм. Бутин-2-диол-1,4 дивинил эфир ҳосил бўлишида  $\lg W$  нинг  $1/T$  га боғлиқлиги

Синтез қилинган 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ни ацетилен билан бензол эритмасида КОН катализатори иштирокида ва КОН-ДМСО системасидаги винилланиш реакцияси тадқиқ қилинди. Бунда реакция битта гидроксил гуруҳи ҳисобига бориб, асосан ацетилен диолининг моновинил эфири ҳосил бўлади:



Маҳсулот унуми 25,6% ни ташкил этди. Реакция давомида, шунингдек, 5-10% миқдорда ацетилен диолини дивинил эфири ҳосил бўлди. КОН катализаторининг эритувчида яхши эримаслиги, уни катализатор сифатида ўзини тўлиқ намоён қила олмаслиги, винил эфирини паст унум билан ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Реакция супер асосли муҳитда КОН-ДМСО системасида амалга оширилганда, асосий маҳсулот сифатида ўрганилаётган диолнинг дивинил эфири ҳосил бўлиши кузатилди:



97-100 °C ҳароратда диол миқдорига нисбатан 20% КОН иштирокида дивинил эфир 53% унум билан ҳосил бўлади, ушбу кўрсаткич КОН миқдори 50% бўлганда эса 57% ни ташкил этди. Реакция ҳароратини 120-125 °C оралиғида оширилиши дивинил эфири унумини 55% гача камайишига олиб келди. Ҳароратнинг ортиши билан, дивинил эфир унумининг камайиши, ацетилен диолининг юқори ҳароратда ишқор таъсирида бошланғич моддалар: ацетилен ва кетонга қисман парчаланиши билан изоҳланади.

Виниллаш жараёнига ҳарорат таъсирини аниқлаш мақсадида 3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 ацетилен билан реакцияси 60-120 °C ҳарорат оралиғида ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

**3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 нинг моно- ва дивинил эфирлари унумига ҳароратнинг таъсири**

№	Ҳарорат, °C	Диолнинг винил эфири унуми, %	
		моновинил эфири	дивинил эфири
1	60	11,2	18,5
2	70	13,0	26,0
3	80	14,5	35,6
4	90	9,6	41,4
5	100	-	46,4
6	110	-	43,0
7	120	-	32,4

Натижалар шуни кўрсатадики, нисбатан паст ҳароратларда (60-90 °C) 3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 нинг моно- ва дивинил эфирлари аралашмаси ҳосил бўлади. Барча ҳолатларда дивинил эфирининг унуми моновинил эфирга нисбатан юқори. Ҳароратни 60-80 °C га оширилиши моновинил эфирининг унумини 11,2 дан 14,5% га ортишига, ҳароратни 90 °C га ошириш эса унумни 9,6% гача камайишига олиб келди. Демак 3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 ни каталитик виниллаш жараёнида моновинил эфири ҳосил бўлиши, реакциянинг лимитловчи босқичи ҳисобланади.

Реакция боришининг кинетикаси ўрганилди ва натижалар асосида 3,6-диметиллоктин-4-диол-3,6 виниллаш реакциясининг фаолланиш энергияси ҳисобланди, унинг қиймати 9,5 кДж/мольга тенг.

Тадқиқ қилинган бирикмаларни ацетилен билан виниллашда икки компонентли MeOH- ДМСО каби юқори асосли системалардан фойдаланиш винил эфирларини нисбатан юқори унум билан ҳосил бўлиши ва реакция тезлигини оширишга имкон беради. Бундай системаларни асослигини янада кучайтириш уларга учинчи компонент-ишқорий металл фторидларини қўшиш орқали амалга оширилади. Шунга асосан, бутин-2-диол-1,4 ни ацетилен билан виниллаш жараёни уч компонентли CsF-КОН-ДМСО юқори асосли системада атмосфера босими шароитида тадқиқ қилинди (3-жадвал).

Бутин-2-диол-1,4 ни CsF-MeOH-ДМСО (Me=Li, Na, K) системаси иштирокида ацетилен билан виниллаш жараёнида моно- ва дивинил эфирлар ҳосил бўлади. CsF-LiOH-ДМСО ва CsF-NaOH-ДМСО системаларида дивинил эфири унумини моновинил эфирига нисбатан юқорилиги, CsF-КОН-ДМСО


системасида эса аксинча, моновинил эфири унуми дивинилга нисбатан юқорилиги аниқланди. CsF-МеОН-ДМСО системасида бутин-2-диол-1,4 нинг моно- ва дивинил эфирлари унуми LiOH, NaOH ва KOH иштирокида, мос равишда 31,3; 42,2; 49,0 ва 52,5; 53,7; 35,2% ни ташкил этди. Моновинил эфирнинг максимал унуми KOH иштирокида (49,0%), дивинил эфир эса CsF-NaOH-ДМСО системасида (53,7%) кузатилди.

3-жадвал


**Бутин-2-диол-1,4 винил эфирлари унумига уч компонентли CsF-МеОН-ДМСО система таркибидаги CsF миқдорининг таъсири (харорат 130 °С, реакция давомийлиги 6 соат)**

MOH:CsF масса нисбатлари	Бутин-2-диол-1,4 винил эфирлари унуми, %	
	моновинил эфири	дивинил эфири
CsF-LiOH-ДМСО системасида		
1:1	20.2	15.5
1:2	21.4	18.2
1:3	23.2	24.6
1:4	25.0	33.7
1:5	27.5	41.4
1:6	30.0	48.0
1:7	31.3	52.5
1:8	31.0	49.4
CsF-NaOH-ДМСО системасида		
1:1	37.0	28.2
1:2	39.2	36.4
1:3	41.3	47.4
1:4	42.2	53.7
1:5	40.8	51.5
CsF-KOH-ДМСО системасида		
1:1	41.4	28.6
1:2	43.5	31.0
1:3	49.0	35.2
1:4	47.0	32.4

Синтез қилинган айрим винил эфирларни баъзи бир кимёвий ўзгартиришлари амалга оширилди. Бутин-2-диол-1,4 моновинил эфирини катализаторлар иштирокида этил бромид билан алкиллаш реакцияси ўрганилди. Анион ташувчи катализатор сифатида триэтилбензиламмонийхлорид (ТЭБАХ) қўлланилди. Бу ҳолат фазалараро катализнинг бир тури бўлиб қуйидаги схема асосида амалга ошади:




Бутин-2-диол-1,4 моновинил эфирини метакрилоил хлорид билан гидроксил гуруҳи ҳисобига ТЭБАХ иштирокидаги реакцияси осон кетиши аниқланди:



Синтез қилинган 5-окси-2-винилметакрилат эфири мўтадил заҳарли суюқлик ( $\text{LD}_{50}$  1280-3000 мг/кг). Унинг тузилиши ИҚ- ва Н-ПМР -спектроскопия усулларида, таркиби эса элемент анализи ёрдамида тасдиқланди. 5-окси-2-винилметакрилат эфирининг ИҚ- спектрида ўзига хос интенсив ютилишлар:  $1040-1200 \text{ см}^{-1}$  соҳада С-О-С эфир гуруҳи учун мос тебранишларни беради.  $1720 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги тебранишлар мураккаб эфир карбонил гуруҳи валент тебранишларига тўғри келади. Метакрилат гуруҳидаги С-С боғлар тебраниши  $1640 \text{ см}^{-1}$  соҳада, винилокси гуруҳининг С=С валент тебранишлари  $1620 \text{ см}^{-1}$  соҳада ютилиш чизиқларини берди.

Винилокси алкил метакрилатларни Н-ПМР спектрида  $\text{CH}_2=\text{CHO}$  терминал протонларнинг иккита дуплет сигналлари 4,15 ва 3,96 м.у. соҳада силжишга эга ва бунга кўшимча равишда  $=\text{CHO}$  гуруҳ протони дублети 6,40 м.у. соҳага силжиган. Метакрилат фрагментининг протонлари иккита кенгайган синглетлар ҳолатида 6,06 ва 5,51 м.у. соҳаларда ютилиш беради.  $-\text{OCH}=\text{CH}_2$  гуруҳи протонлари эса иккита триплет ҳолатида 4,30 ва 3,87 м.у. соҳаларда кузатилади. Метил гуруҳи протонлари синглет ҳолатида 1,87 м.у. соҳада резонанс беради ва олефин протонлари билан таъсирлашиши натижасида кенгайди.

Икки атомли ароматик спирт бўлган резорцинни ацетилен билан гомоген-каталитик виниллаш ўрганилди. Бу жараён юқори асосли КОН-ДМСО системасида ўтказилиб, резорциннинг моно- ва дивинил эфирлари қуйидаги схема бўйича ҳосил бўлиши аниқланди:



Резорцинни ацетилен билан виниллаш жараёнини оптималлаштириш учун эритувчилар табиати, реакциянинг давомийлиги, ишлатилган катализаторнинг миқдори ва ҳарорат таъсирлари диоксан, бензол, ДМФА ва ДМСО эритувчиларида тадқиқ қилинди. Катализаторлар сифатида кукун ҳолатидаги ишқорлар суспензияси ишлатилди. Барча ҳолатларда резорциннинг винил эфирлари ҳосил бўлиши кузатилади. Резорцинни ацетилен билан винилланиш реакциясининг кинетик параметрлари аниқланди (4-жадвал). Олинган натижалар асосида реакциянинг фаолланиш энергияси ҳисобланди ва унинг қиймати  $30,6 \text{ кДж/моль}$ .



**Резорцинни ацетилен билан виниллаш реакциясини кинетик параметрлари**


Реакция давомийлиги, соат	Моновинил эфирининг унуми, моль/л	Реакциянинг ўртача тезлиги (W), моль/л.сек. $10^{-5}$
Ҳарорат 70 °C		
2	0,12	1,67
3	0,16	1,48
4	0,18	1,25
5	0,2	1,1
6	0,18	0,83
Ҳарорат 100°C		
2	0,3	4,2
3	0,35	3,2
4	0,38	2,6
5	0,43	3,3
6	0,41	1,9
Ҳарорат 110 °C		
2	0,35	4,8
3	0,46	4,3
4	0,55	3,8
5	0,63	3,5
6	0,62	2,8
Ҳарорат 130 °C		
2	0,33	4,6
3	0,38	3,5
4	0,45	3,1
5	0,51	2,8
6	0,50	2,3

Резорциннинг моновинил эфири ИҚ-спектрида қуйидаги валент тебранишлар мавжуд:  $3250-3700\text{ см}^{-1}$  соҳада кенг деформацион тебранишлар ютилиши – ОН гуруҳни тавсифлайди.  $970-1100\text{ см}^{-1}$  –С–О–С эфир гуруҳи учун хос,  $650-690\text{ см}^{-1}$  –С=С ароматик халқа қўшбоғларига хос,  $900-960\text{ см}^{-1}$  –ОН (бармоқ излари),  $1330-1480\text{ см}^{-1}$  -фенолнинг моноалмашган эфири,  $1600-1700\text{ см}^{-1}$ -алкоксивинил –О–СН=СН<sub>2</sub>.


Олинган резорцинни моновинил эфири Н-ПМР спектрида винилоксигуруҳи протонларининг ўзига хос силжиши 5 м.у.да акс этган (эритувчи CDCl<sub>3</sub>); –СН=СН<sub>2</sub> (3Н) 7,814 м.у., ароматик халқа протонлари (4Н) 7,332 м.у., ҳамда реакцияга киришмаган ОН (1Н) – 4,151 м.у.

Диссертациянинг «**Бирикмаларни электрон тузилиши, квант-кимёвий ҳисоблашлари ва жараёни математик моделлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида ацетилен, бутин-2-диол-1,4 ва унинг моно- ва дивинил эфирлари, резорцин, 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ва унинг моно-(ди) винил эфирлари молекулаларидаги зарядларнинг тақсимланиши, электрон зичликлари ва геометрик структураларини кенг тарқалган Нурер Chem ва ярим эмпирик квант-кимёвий РМЗ усулида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Намуна сифатида бутин-2-диол-1,4 ни фазовий геометрияси ва электрон тузилишини ўрганиш натижалари келтирилди. 3-расмда бутин-2-диол-1,4 нинг геометрик тузилиши кўрсатилган. Будан кўришиб турибдики  $C_1$  ва  $C_4$  атомлари тетраэдрик ҳолатда  $sp^3$  гидридланган,  $C_2$  ва  $C_3$  атомлари эса  $sp$ -гибридланган ҳолатда бўлади ва шунинг учун молекуланинг углерод занжири чизиқли тузилишга эга:



3-расм. Бутин-2-диол-1,4 нинг геометрик тузилиши



4-расм. Бутин-2-диол-1,4 молекуласидаги атомлар бўйича электрон зичликни тақсимланиши


Бутин-2-диол-1,4 молекуласида заряднинг тақсимланиши тадқиқ қилинди ва иккала гидроксил гуруҳларининг бир хил ҳолатга, шунингдек, гидроксил гуруҳларидаги водородларнинг бир хил зарядга (+0,184) эга эканлигини тасдиқланди. Бу ҳолат шунингдек бутин-2-диол-1,4 молекулаларида электрон зичлик тақсимотини ҳисоблашда ҳам кўрсатилди (4-расм).

Ушбу молекуладаги электронлар зарядлари қийматларини солиштириш натижасида, манфий заряднинг энг кўп миқдори кислород атомига йиғилганлиги келтирилди. Шунинг учун гидроксил гуруҳи КОН-ДМСО юқори асосли система иштирокида ацетилен билан каталитик виниллаш маркази бўлиб хизмат қилади. Бутин-2-диол-1,4 ни виниллаш жараёнининг тажриба натижалари математик қайта ишланди ва унинг винил эфири унумини қиймати математик қайта ишлаш орқали олинган қийматга мослиги кўрсатилди.

Бутин-2-диол-1,4 дивинил эфирининг молекуляр динамик хусусиятлари ўрганилди. Кузатишлар натижасида дивинил эфири ҳосил бўлиши билан бошланғич диолдаги углерод атомлари зарядлари камайиши тасдиқланди. Дастлаб, углерод атомлари  $C_1, C_2, C_3$  ва  $C_4$  мос равишда 0.223; -0.163; -0.165 ва 0.223 зарядларга эга бўлади. Дивинил эфир ҳосил бўлиши билан бу қийматлар ўзгаради ва 0.206; -0.163; -0.163 ва 0.206 тенг бўлади.

Юқоридагилар билан бир қаторда ацетилен, бутин-2-диол-1,4; резорцин; 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6; бутин-2-диол-1,4 ва 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ларнинг моновинил эфирлари; бутин-2-диол-1,4, 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ва резорциннинг дивинил эфирлари учун молекуланинг умумий энергияси, ҳосил бўлиш энергияси, ҳосил бўлиш иссиқлиги, электроннинг энергияси, ядро энергияси, диполь моменти, кислород атоми зарядининг квант кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Моновинил эфирлари синтези технологияси, ишлаб чиқариш таснифи ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичи**» деб номланган бешинчи бобида бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфири ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулотнинг тавсифи, бутин-2-диол-1,4 моновинил эфири ишлаб чиқаришнинг моддий баланси берилган, бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфири олишнинг технологик жараёни яратилган (5-расм).



**5-расм. Бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфири олишнинг принципиал технологик схемаси**

1-бутин-2-диол-1,4 учун бункер, 2-эритувчи бункери, 3-катализатор бункери, 4- реактор, 5- сепаратор, 6-фильтр, 7- экстрактор, 8-буғлатгич, 9- ректификация колоннаси.

Технологик жараёнда дастлаб реакторга (4) доимо аралаштириб турилган ҳолатда эритувчи (2), катализатор (3) ва бутин-2-диол-1,4 (1) берилади. Реакция тугагач катализат сепараторга (5) юборилади. Кейинги жараёнда филтрланади (6), диэтил эфирида экстракция (7) қилинади. Органик қисм буғлатишга (8) юборилади ва бунда реакцияга киришмаган ацетилен ажратилади, қолдиқ маҳсулот ректификация колоннасига (9) берилади ва маҳсулот йиғгичда йиғилади.

Ацетилен диоллари ва уларнинг винил эфирлари биологик фаол бирикмалар ҳисобланади. Шунинг учун синтез қилинган винил эфирларнинг (моно- ва дивинил) дефолиантлик фаоллиги ўрганилди.

Тажрибалар пуркагичда препаратларни пахта ўсимлигига пуркаш орқали амалга оширилди. Алоҳида ҳолатларда бутин-2-диол-1,4 ва резорциннинг моно- ва дивинил эфирларини 0,025% ли сувли эмульцияси қўлланилди.

Препаратларни пахтага пуркалиши (ҳар бир препарат 0,5 га) курук ҳавода, 10 кг/га миқдорда амалга оширилди, 8-10 кундан кейин эса узилиб тушган барглarning фоиз миқдори аниқланди. Бунда барглар рангининг ўзгармасдан узилиб тушиши ва пахта поясининг қуримасдан қолиши кузатилди.

Тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, қўлланилган винил эфирлар дефолиантлик фаоллигига эга бўлиб, бутин-2-диол-1,4 моно- ва дивинил эфирлари; резорциннинг моно- ва дивинил эфирлари учун мос равишда унинг қиймати 89; 92; 82 ва 86% га тенг.

Шундай қилиб тадқиқ қилинган препаратлар ичида бутин-2-диол-1,4 нинг винил эфири нисбатан юқори дефолиантлик хоссасига эга (92%) ва у пахта дефолианти сифатида кенг қўллашга тавсия этилди. Ундан ташқари Бутин-2-диол-1,4 винил эфирининг техник шарти ишлаб чиқилди ва Узстандарт агентлигида рўйхатдан ўтказилди. Ушбу винил эфирларни Бухоро, Самақанд ва Навоий вилоятларида пахта дефолианти сифатида қўллашнинг йиллик иқтисодий самарадорлиги 427 млн. сўмга тенглиги келтирилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Формальдегид ва метилэтилкетон асосида бутин-2-диол-1,4 ва 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ҳосил бўлишига таъсир этувчи асосий омиллар тақлиф этилган.

2. Атмосфера босими шароитида бутин-2-диол-1,4; 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 ва резорцинларни ацетилен билан юқори асосли системалар иштирокида виниллаш жараёнлари тавсия этилган.

3. Виниллаш шароитида икки компонентли МОН-ДМСО ва уч компонентли CsF-КОН-ДМСО юқори асосли системаларни қўллашнинг асосий хусусиятлари ва бунда CsF нинг роли кўрсатилган.

4. Тажиба натижаларининг қийматини математик қайта ишлаш ва ишлатилган бирикмаларнинг квант-кимёвий хоссалари асосида молекулаларнинг реакцион қобилиятлари ва реакцион марказлари таҳлил қилинган ва тажиба натижаларига мослиги изоҳланган.

5. Яратилган бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфирларини пахта ўсимлигида юқори дефолиантлик хоссага эга эканлиги кўрсатилган.

6. Бутин-2-диол-1,4 ва унинг винил эфирини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.04.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО- ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЮСУПОВА ЛОЛА АЗИМОВНА**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ВИНИЛОВЫХ ЭФИРОВ НА ОСНОВЕ  
ДИОЛОВ И ИХ СВОЙСТВА**

**02.00.14 – Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/T179**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана и Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и информационно-просветительском портале «ZiyoNet» [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** **Нурмонов Сувонкул Эрхонович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Рахмонбердиев Гаппар.**  
доктор химических наук, профессор

**Рахимова Латофат Собиржоновна**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Узбекский химико-фармацевтический  
научно-исследовательский институт

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в «\_\_» часов на заседании Научного совета ДSc27.06.2017.Т.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № \_\_, (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(протокол рассылки № \_\_ от \_\_\_\_ 2019 года).

**С.М. Туробжонов**

Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Г. Рахмонбердиев**

Председатель научного семинара  
при совете по присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время продукты на основе ацетилена используются в химическом производстве и технике, медицине, для получения рогостимулирующих препаратов и пестицидов, легкой промышленности, парфюмерии, пищевой и других областях. Особое внимание уделяется технологии производства виниловых эфиров и на их основе новых лекарственных препаратов, уникальных полимерных материалов, высококачественных растворителей для радиотехники, а также реагентов для направленного органического синтеза.

В мире основными методами синтеза виниловых соединений на основе гидроксилсодержащих продуктов является процесс винилирования соединений, содержащих активный водород, в присутствии двух- и трехкомпонентных высокоосновных систем типа катализатор - растворитель. Проводятся исследования по осуществлению таких реакций, определению физико-химических и эксплуатационных свойств синтезированных соединений, а также технологических параметров и механизмов их получения.

В настоящее время в Республике особое внимание уделяется производству продуктов химической промышленности и внедрению синтезированных новых веществ в экономические отрасли. На основе местного сырья были разработаны дефолианты нового поколения, которые применяются в сельском хозяйстве для опадания листьев хлопчатника, синтезированы ацетиленовые диолы и их виниловые эфиры, изучены их строение и электронная структура, реакционная способность, физико-химические свойства, биологическая активность. В соответствии с третьим пунктом Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора»<sup>1</sup> эти направления отмечены как наиболее важные. В данном направлении создание новых типов недорогих продуктов для повышения урожайности, ростстимулирующих и водусберегающих препаратов для сельскохозяйственных культур является одним из приоритетных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», в указе УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП №-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

годы» и № П-4891 от 6 апреля 2017 года «Критическое обсуждение состава и объема товаров (работы, услуги), углубление локализации производства импортозамещающих продуктов», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** По химии, физике и разработке технологий получения ацетиленовых соединений и их применению проведены научно-исследовательские работы со стороны: E. Walling, G. Faerber, F. Carluccio, M.E. Chiddix, P. Carsillo, A. Girelii, C.J. Strosacher, C.C. Kennedy, E.L. Pelton, S. Otsuka, Y. Matsui, S. Murahashi, J.L. Speier, M.P. David, B.A. Eynon, M. Heider, J. Henkelman, D.M. Jones, N.F. Wood, Б.А. Трофимов, В.И. Григоренко, И.В. Петрова, Н.А. Чернышева, В.В. Вийе, З.А. Ахмеджанова, В.И. Лавров, А.С. Атавин, В.К. Станкевич, Л.Н. Паршина, Л.А. Опарина, М.Я. Хилько, О.В. Горелова, Т. Прайс, С. Амосова, М.Ф. Шостаковский, Г.А. Шитов, Р.Д. Якубов, И.Н. Азербайев, Т.С. Сирлибаев, А. Махсумов, А. Икрамов и другие.

В этой сфере на основе ацетиленовых диолов и виниловых эфиров получают различные растворители, клеи, красители, лекарственные препараты, полимеры, биоциды и ингибиторы. Данная диссертация посвящена синтезу ацетиленовых диолов и их виниловых эфиров, разработке технологии их получения и усовершенствованию существующих технологий, а также выявлению областей их применения.

Наряду с вышеизложенным проводятся научно-исследовательские работы в области синтеза ацетиленовых соединений ведутся научно-исследовательские работы в том числе по синтезу новых органических соединений, определению физико-химических свойств, при этом широко используется местное сырье, получению дешевых, импортзамещающих целевых материалов для промышленности с переработкой вторичного сырья, что имеет научное и практическое значение.

